



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



ОДАМИЙЛИК МЕЗОНИ

Ишонч ва умиднинг рўёби инсонни ғурурлантиради. 2021 йили мазкур газетада ҳамда «Xabar.uz» сайтида бир мақола эълон қилгандим. Мақола бугунги кунда ўз фаолияти, ғайрат-шижоати, билимдонлиги, ташаббускор ва ташкилотчилиги билан халқимиз ишончини қозонаётган Президент ёрдамчиси Саида Мирзиёева ҳақида эди.

Унга қандай вазифа юкланмасин, аввало масала моҳиятини чуқур дилдан ҳис этиб, унинг ижобий ҳал этилиши учун бутун куч-ғайрати ва билимини бахш этишини кўриб, қувонасиз. Нимаики сўз айтса, тил учидан эмас, дил тубидан сўзлайди ва идрок этади. Сўз ва иш бирлиги, илму амал уйғунлиги унинг ҳаёт тарзига айлангани рост.

Бу фикрнинг тасдиғини унинг Президент администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг ўринбосари, Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди васийлик кенгаши раисининг ўринбосари, Президент администрацияси Ижро этувчи аппаратининг Коммуникациялар ва ахборот сиёсати бўйича шўъба мудир вазифаларида ишлаган кезларида ҳам яққол кўрдик.

Ўзбекистоннинг имиджини, узоқ асрлик, бой тарихга эга бўлган

халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларини дунёга ёйиш бобидаги хайрли ҳаракатларини айтасизми, оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистларнинг нуфузи, сўз ва матбуот эркинлиги борасидаги амалий хизматларини айтасизми, барида ғайрат ва элпарварликни ҳис этасиз.

Президентимиз таҳсил олган олий таълим муассасасининг матбуот котибиман. Ректорнинг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси, мавқеимиз ўринбосарларга тенглаштирилгани, устама ҳақлар берилаётганидан мамнунмиз.

Ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қарорни тайёрлашда ташаббус кўрсатган айнан Саида Мирзиёева эди. Демак, қисқа вақт ичида бутун бошли бир тизимни чуқур ўрганиб, уни юқори босқичга олиб чиқиш учун комплекс ечим топа олди. Бу вазиятда унинг билими, мавқеи қўл келган

ниям соҳа учун бир ютуқ, аслида. Журналистларнинг эркин ва тезкор ахборот олишини таъминлаш йўлидаги тўсиқларнинг тобора баргараф этилишида уларнинг хизмати катта бўлаётгани сир эмас.

Унинг мавқеи ва рутбасининг ошиб бориши ҳам аслида, халқ ишончи, эҳтироми билан боғлиқ. Ана шу ишонч унга Президент ёрдамчиси сифатида катта масъулиятли вазифаларни зиммасига қўйди.

Куни кеча ижтимоий тармоқларда тарқалган, унинг қорақалпоғистонлик қардошларимиз билан учрашувларда тушган суратларини кўриб яна бир бор қўлга қалам олгим келди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи, айниқса тадбиркорлар билан учрашувлари Янги Ўзбекистоннинг дарвозаси бўлмиш бу маконни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан эътиборга молик

бўлди. Қорақалпоғистоннинг имкониятларини тўлиқ ишга солиш мақсадида ҳудудни ривожлантириш бўйича берилган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли ижроси устидан назорат этилишини Президент ёрдамчиси Саида Мирзиёева ҳамда Президентнинг Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Турсинхон Худайбергенов зиммасига юклатилгани ҳам аҳамиятлидир. Кенг дунёқарашга эга, тажрибали, муҳими, матонатли инсонлар ҳамиша эл-юрт ишига камарбаста бўлишган.

Янги Ўзбекистоннинг руҳи ва шукуҳига монанд ҳолда, эндиликда яқдил бўлган икки элнинг ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг ҳаёти, муштарак мақсадлари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси билан уйғундир.

(Давоми 2-саҳифада)

Улардек бўлинг — бошқа йўл йўқ

Тан олинг, бугун фарзандингиз билан шуғулланишга, унга тарбия беришга кучингиз етмаяпти. Табиийки, гап жисмоний куч ҳақида эмас. Масала анча чуқур ва кўпинча ўзимиз тан олмайдиган ҳолатга келди.

Одатда биз ёшлар тарбияси, деганда фақат насихат беришни тушуниб қолдик. Узоқ йиллик бундай тарбия, яъни юқоридан туриб, уларни ҳар томонлама бошқа-

ришга уриниш қобиғидан чиқиб кета олмаяпмиз. Ёшларни китоб ўқимаслик, меҳнат билан етарли шуғулланмаслик ва қатор қусурлари ҳақида гапириш, бундан ёзғириш асосий мавзуйимизга айланган, десам хато бўлмайди.

Тўғри, бу масалада ютуқли томонларни ҳам айтиб ўтамиз. Аммо аксар ҳолатларда умумий қарашларимиз бир — ёшлардан ёзғирамиз. Лекин уларни тинглаб кўрдикми? Нега улар мактабга боришни истамайди?

(Давоми 2-саҳифада)



ОДАМИЙЛИК МЕЗОНИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Куни кеча Саида Мирзиёева Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди. У сафар давомида айнан иқтисодий-ижтимоий ҳолати оғир туманларга бориб жойлардаги аҳволни ўрганишга жазм этди. Учрашув пайтларида маҳаллий аҳоли вакиллари билан мулоқот чоғларидаги самимият, аёллик меҳри ва саховати кишини бефарқ қолдирмайди. Сухбат чоғида аёллар билан гаплашганда худди ўзининг опаси, синглиси билан гаплашгандек ҳамдари бўлганини сезасиз. Айниқса, ёш болалар билан суҳбатлашганларида ундаги оналик меҳрини туясиз, ғамхўр, жонкуяр мураббийнинг муҳаббатини ҳис этасиз. Унинг юзу кўзларидаги самимият халқнинг дарду ташвишлари билан яшаш одамийликнинг энг муҳим мезони экани ҳақидаги Президент ўғитларини ёдга солади.

Айрим ҳудудларда сувсизликдан қийналган аҳолининг ҳолатига назар ташлар экан, Президент кўрсатмаларига биноан ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарурлигини ҳис этиб қийналгани ҳам аниқ. Айниқса, ёш қизалокни меҳр ила бағрига босаркан, уларга бутун борлигини бериб улғайтираётган онаизорларнинг ҳолига она сифатида назар ташлаш, ачиниш Саидага хослигини пайқамаслик мумкин эмас.

Суратлардаги маҳаллий аҳолининг, айниқса, ёши улуғ кексаларнинг, хотин-қизларнинг хурсандчилиги чексиз. Уларнинг Саидага умид кўзлари билан боқишлари, табиийки, унга янада куч ва матонат бахш этиши ҳақ. Демак, халқнинг оғирини енгил қилиш нияти, уларни рози қилиш туйғуси ҳам ота мерос. У бу масъулиятли юмушга ўз жамоаси билан бирга сафарбар этиларкан, вазиятни, шароитни тўла ўрганиш асносида «Ушбу ҳудудларда яшаётган аҳоли ҳаётини яхшилаш,

улар учун муносиб шароит яратиш борасида қилинадиган ишлар ҳали кўп», – дея таъкидлади. Аҳоли яшайдиган хонадонларга кириб, улар билан бир дастурхон атрофида ўтириб, дардлашиб, улар истеъмом қиладиган сувдан ичиб кўриш орқали шундай хулосага келди. Бу халқ билан самимий мулоқотнинг, ўзаро диллашиш ва тиллашишнинг ифодасидир, десак муболаға бўлмайди.

Ишонамизки, ундаги эзгу мақсад йўлида орқага чекинмаслик, қатъий ирода, оилапарварлик, уддабуронлик, оқилона ва одилона ёндашиш, сиёсий сергаклик, Президент гоёлари ва топшириқларига садоқат туйғуси ушбу муаммоларга ечим бўла олади.

Унинг халқаро минбарларда аввало, ўзбек тилида равон гапириши, инглиз ва рус тилларида эмин-эркин сўзлай олиши, ижтимоий тармоқларда ўзининг дадил, мустақил фикри, фаоллиги билан кенг жамоатчиликка манзур ва мақбул бўлаёт-

гани ҳам сир эмас.

Биз унда аёл жасорати ва нафосатининг уйғунлигини, масъулият ҳисси ва мажбурият бурчини, юрт қисматида дахлдорлик туйғусини кўрамиз. Бу эса Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган сиёсат ва ислохотларга, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва Учинчи Ренессанснинг тамал тошига ишонч руҳини яна бир қарра оширади. Шижоатли фарзанд юрт учун қайғуради, халқ тақдири учун куюнади, бор истеъдодини, қобилиятини Янги Ўзбекистон тараққиёти учун сафарбар этади.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
«ТИҚХММИ» Миллий
тадқиқот университети
профессори, «Маърифат»
тарғиботчилар жамияти,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, «Нотиклик санъати
академияси» таълим муассасаси
раҳбари

Улардек бўлинг – бошқа йўл йўқ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Боришни истаганлари ҳам аксарият ҳолларда ўртоқ, дугоналари билан кўришиш хоҳиши билан чегараланади. Олий таълим муассасасига не азоб билан, қийинчилик билан тайёргарлик кўриб кирган талаба нега кейин ўқишдан совий бошлайди? Нега ота-оналар билан дилдан суҳбатлашмайди, дилидагиларни гапириб беролмайди бола? (Дарс тайёрламаслик ва бошқа қатор баҳоналари туфайли мактабдаги таълимдан ёзғириш ҳақида гап кетмаяпти) Атроф-муҳит, мавжуд имкониятлар, умуман турли соҳалар ҳақда ота-оналар билан суҳбатлашишни истаётган болалар жуда кўп, ишонинг. Бугунги болалар бир неча ўн йил илгари ота-оналар нима деса, шу тўғри экан, бошқа йўл йўқ, дея қараб ўтирадиганлардан эмас.

Стоматолог шифокорга борганда ҳозир шифокор тишини қандай даволаши ҳақида гапириб бериб, шундан сўнг у оғриқдан холи бўлишини айтаётган болаларни кузатдим. Беш ёшли бола қачон шундай мулоҳаза қилган ахир? Туғилганиданок кўлида телефон билан улғаяётган болалар тўғридан-тўғри маънода янги аср болалари сифатида ўзини намоён қиляпти. Ҳали ўзбекчада тили чикмай, ютубдаги инглиз мультфильмлари орқали инглиз тилида чулдирапти. У ёки бу соҳадаги маълумотни сиз гуғл кидирувга бериб топгунингизча, улар сизга ўша соҳа ҳақда

айтиб беришарди. (Шу ўринда болага телефон бериб қўйиш зарарлиги ҳақида фактлар тўғри бўлса-да, аммо ҳаётда фарзандларимиз барибир шу матоҳ билан улғаяётганини инкор қилолмаймиз.) Бундай болаларни қандай қилиб фақат насихат билан тарбиялаш ёки уларга таълим бериш мумкин, айтингчи? Кўплаб талабалар, мактаб ёшидаги ўқувчилар гаплашганман. Келинг, умумий ҳолда улар фикрларининг баъзиларига тўхталиб ўтсам.

– Мактабда фақат биргина ўқитувчининг дарсига қизиқиб қираман, – дейди улардан бири. – Қолганлари менимча, ўзлари ҳам нима ўтаётганини билмаса керак. Қанийди, ҳамма фанлар ҳам ўшандай қизиқарли ўтилса, биронта дарсни қолдирмасдим. Баъзи муаллимлар дарсни бошидан бошлаб, охиригача тарбия ҳақида гапиради. Биз мактабга билим олиш учун бормаймизми? Бизга зўр дарс ўтилсин, бўлди, тарбияни ота-онамизга қўйиб беришгани маъқул эмасми?

– Тўғриси, институтга осонлик билан ўқишга кирмадим, эҳче, қанча тунларни бедор ўтказдим, қанча китоб варақладим, – дейди яна бири. – Лекин бу ерда билимларимни давом эттиришга имкон йўқку. Баъзи масалаларда талабалар ўқитувчилардан кўра кўпроқ билим ва тушунчага эга. Фақат хурмат юзасидангина дарсида қулоқ солиб ўтирадим. Ваҳоланки, у бизга

бераётган маълумотларни интернет орқали ҳеч қийналмай, институтга келиб, вақт сарфламай ўрганишимиз ҳам мумкин.

Дарс ўтиш услубларию, бугунги педагогиканинг оқсоқ томонлари алоҳида мавзу эканлигини инобатга олган ҳолда урғуни ҳатто оиладаги оддий тарбияда, бир ё икки нафар фарзандига сабоқ беришга кунт қилмаётган ота-оналарга қаратмоқчи эдик.

– Ота-онам кўпинча биз билан гаплашмайсан, дилингдагини айтмайсан, дейишади, – бу яна бир ёш авлоднинг фикри. – Лекин уларга қизиқишларим ҳақида айтсам, тушунишмайди. Тузукроқ нарса билан шуғуллансанг бўлмайди-ми, дейишади. Лекин улар нима ҳақда гапираётганимга ҳатто қизиқиб кўришмайди.

Ростдан шундай, қизиқиб кўрмайпмиз. Уларни тарбиялаш фақат насихат қилишдангина иборат, деб ўйляпмиз. Аммо ҳаммаси бўлмаса-да, ёшлар орасида бугунги аср шиддати билан сузаётганлари тобора ортиб борапти. Улар тушунган, билганларини билмай қоляпмиз. Билмаётганимиздан уялиб, сўраш, ўрганиш ўрнига уларнинг ўзини айбдор қилиб қўяпмиз. Бола тарбиясида энди фақат ёшимиз катта эканлиги инобатга ўтмайдиган кунлар келганини тушунишимиз керак, назаримда. Энди улар билан тенгма тенг мулоқот қилиш учун ҳам кўпроқ ўқиб ўрганишимиз кераклигини англаб етишимиз лозим. Акс ҳолда ёшлардан ёзғириб юришда давом этаверамиз.

Тўғри тушунинг, мақолада ёши улуғларнинг ҳаётий тажрибаси, сабоқлари инкор этилаётгани ёки ундан воз кечиш кераклиги айтилгани йўқ. Бу тажрибаларни ўргатишнинг услуби ўзгариши керак, демоқчимиз, холос. Агар бундан бошқа фикрларингиз бўлса, ёзинг.

Гулрух МҶМИНОВА.



МИЛЛАТИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ота-оналарга мурожаат қилиб, қизларини ўқитиш зарурлигини, орзу-умидларини рўёбга чиқаришларида уларга кўмакчи бўлишларини таъкидлади. Ёшларга қарата эса хамиша ўз кучи, қатъияти ва салоҳиятига ишонишларини, давлатимиз, халқимиз, Президент уларни бу йўлда доимо қўллаб-қувватлашини билдирди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари, айниқса, аҳолининг қарийб ярмини ташкил этувчи хотин-қизларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши ва амалга ошириладиган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, кенг имкониятлар яратишда, аввало, уларнинг оналик ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Бу бежиз эмас. Чунки бу иккала ўта муҳим вазифани бажаришда аёлнинг жамиятдаги мавқеи, нуфузи, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминлангани, маънавий-маърифий жиҳатдан етуклиги, сиёсий онги, ижтимоий тафаккури, ҳуқуқий маданияти ва саводхонлиги муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда ушбу долзарб масаланинг амалий ижросига қаратилган 24 та ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, Президентимизнинг 6 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 16 та қарори қабул қилингани юртимизда опа-сингилларимизга бўлган юксак эътибор ва катта ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Аҳамиятли жиҳати, Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, шуҳасиз, ижтимоий жараёнлар, бизнес ва илм-фандаги иштирокини кенгайтиришда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам гендер тенглиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий

ривожланишининг муҳим таркибий қисми сифатида татбиқ этилди.

Бугунги кунда гендер тенглиги барча мамлакатларнинг муваффақиятли ривожланишининг асосий шартларидан бири бўлиб, одамларга жинсидан қатъи назар, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий соҳаларида ўз ҳуқуқ ва имконият-

стаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда бандлигини ошириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда рўёбга чиқарилган кенг қўламли ислохотлар натижасида уларнинг раҳбар лавозимлардаги улуши 35 фоизга етди. Биргина 2022 — 2023 йилларда 398 минг нафар аёлнинг бандлигини таъминланди, 100 минг нафар хотин-қизларимиз имтиёзли асосларда олийгоҳларга қабул қилинди.

Эътиборлиси, 170 минг нафарига таҳсил олаётган олийгоҳларининг шартнома тўловлари учун имтиёзли таълим кредитлари ажратилган бўлса, 14 минг нафар олима қизларимиз магистратурада бепул ўқитилмоқда. 198 минг нафари эса касбга ўқитилди.

Бундан ташқари, аёллар тадбиркорлиги дастурлари доираси-

яқин аёл-қиз тадқиқот олиб борапти. Жумладан, магистратурада ўқиётган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Докторантура йўналишида хотин-қизлар учун эса ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилиши йўлга қўйилган.

Турли даражадаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 300 нафардан ортиқ аёл раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётгани ҳам юртимизда аёлларга бўлган эътибор ниҳоятда юқори эканлигидан далолат беради.

Бугунги таҳликали, жадаллашган қарама-қаршиликлар даврида, тезкор қарорлар қабул қилишни тақозо этаётган замонда хотин-қизларнинг ҳар жиҳатдан билимли ва салоҳиятли бўлиши жуда ҳам муҳим. Чунки улуғларимиз айтганларидек, ўғил болани ўқитсак, бир киши саводла бўлади. Қиз болани ўқитсак, бутун оила, бутун жамият билимли бўлади. Шу билан бирга, аёл кадрини қанчалик юқорига кўтаришга муяссар бўлсак, миллий ғуруримиз, маънавият ва маданиятимиз янада юксалиши, оилаларимиз барқарорлиги таъминланиши, ҳалол ва пок, фидойи, ватанпарвар, жамиятга фойда келтирувчи, миллатимизни бутун жаҳонда кўз-кўз қилувчи фарзандларимиз сафи янада кенгайиши табиий.

Умуман олганда, ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфатдор бўлади. Биз барпо этаётган жамиятнинг пойдеворини мустаҳкамлаб турадиган асосий куч — хотин-қизлар ҳам ўз навбатида, оила шаъни, маҳалла виждони, юрт тимсоли, мустақилликнинг ишончли, мустаҳкам таянчи бўлмоғи лозимлигини унутмаслигимиз керак.

Гулрух АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Кейинги йилларда ушбу долзарб масаланинг амалий ижросига қаратилган 24 та ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, Президентимизнинг 6 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 16 та қарори қабул қилингани юртимизда опа-сингилларимизга бўлган юксак эътибор ва катта ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

ларини эркин амалга ошириш имконини беради. Айнан шу масала Янги Ўзбекистонни қуришнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги ҳам бежизга эмас.

Бугун республикада хотин-қизларнинг ўз билим ва имкониятларини намоён этиши, соҳада самарали меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Иқтидорли ватандошлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Чунки билимли аёл ҳар қандай жамиятда кучли манба саналади. Илм-фан билан шуғулланган инсон эса нафақат ўз умрини бағишлаган соҳа, балки бутун давлат таракқиётига катта ҳисса қўшади.

Рақамларга эътибор қаратилган бўлсак, охириги йилларда мамлакатимизда оилаларни му-

да жорий йилнинг ўтган даврида 225 мингдан зиёд лойиҳаларга 4,4 триллион сўмга яқин кредит, 40 мингга яқин хотин-қизларга жами 179,1 миллиард сўм субсидия ажратилди. 2020 йилдан бошлаб йўлга қўйилган “Аёллар дафтари” тизими орқали қарийб 2,3 миллиондан ортиқ хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак бериш учун 5,1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда юртимиз илмий таълим муассасаларида 660 аёл фан доктори ҳамда 7 нафар аёл академик меҳнат қилмоқда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларида 3 минг нафарга

Имом Термизий — буюк муҳаддис ва етук аллома



Шу йилнинг 15 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Албатта, бу қувончли воқеа ҳар бир илму маърифат ихлосмандлари учун чин маънода қувонарли ҳол бўлди. Қолаверса, улуғ алломага бўлган ҳурмат, унинг шахсига бўлган фахримизнинг ёрқин ифодасидир.

Мазкур Қарорнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири – Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиришдир.

Хужжатга кўра, Имом Термизийнинг “Аш-Шамоил ал-Мухаммадийя” ва “Сунани Термизий” асарларини мотуридийлик ақидаси ва ҳанафийлик мазҳабига таянган кўп жилдлик академик таржима ва шарҳини тайёрлаш ҳамда уларни нашр этиш, Имом Термизий ҳаёти ва илмий меросининг моҳиятини ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб берувчи илмий-оммабоп хужжатли фильм яратиш ва саҳналаштирилган спектакль намойишини ташкил этиш алоҳида қайд этилган. Чиндан ҳам, буларнинг барчаси ўсиб келаётган келажак авлод учун ажодлар меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, халқимиз ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш учун улкан имконият.

Буюк муҳаддис ҳақида сўз юри тар эканмиз, аввало, унинг ҳаёти

ҳақида маълумотга оз бўлсада эга бўлишимиз даркор. Алломанинг тўлиқ исми Мухаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заххоқ Абу Исо Суллабий Зарийр Буғий Термизий бўлиб, у ҳижрий 209 (мелодий 824) йили Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида ўрта ҳол оилада таваллуд топган. Имом Термизийнинг оиласи, ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган. Термизийнинг кўзи ожизлиги тўғрисида тарих китобларида турли маълумотлар келтирилган. Баъзи тарихчилар уни туғма кўзи ожиз бўлган десалар, баъзилари олим умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганини ёзадилар.

Имом Термизий ёшлигидан ўта тиришқоқ, идрокли, ақл-заковатли бўлганлиги боис ўз тенгдошлари ичида ажралиб турган. Илмга ўта қизиқиши туфайли ўша даврнинг кўпгина илмларини, айниқса, ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Термиз, Самарқанд, Марв ва Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини кунт билан ўрганган. Кўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан илмий алоқалар ўрнатилишига муносиб ҳисса қўшган етук олимлардан биридир. Ёшлигидан илму-фанга ташна Имом Термизий 850 йилдан, яъни йигир-

ма олти ёшидан бошлаб узоқ юртларга, қатор хорижий мамлакатлар ва шаҳарларга сафарлар қилади. Жумладан, у Ҳижозда — Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросоннинг қатор шаҳарларида кўплаб муҳаддис, факих, ва уламолар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, улардан таълим олади, қизғин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади.

Шу билан бир қаторда Исо Термизий пайгамбар алайҳиссалом ҳадисларини тўплашга алоҳида эътибор билан қарайди. Бу борада у ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. У ўзи ўқиган ёки бирор ровийдан эшитган ҳадисини алоҳида қоғозларга қайд этиб борар, уларнинг асли ва иснодини изчиллик билан аниқлаб тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилсагина махсус қоғозларга қайд этарди. Ҳадисларнинг тўғрилигига шубҳа бўлганда уларни алоҳида ажратиб ёзарди. Шу тариқа ҳадислар саҳийх (тўғри, ишончли), ҳасан (яхши, маъқул), заиф (бўш, ишончсиз), ғарийб (ғалати) каби турларга ажратилган.

Ҳадис илмини эгаллашда ва тақомиллаштиришда Имом Термизий ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Ўша даврнинг етук муҳаддиси сифатида кўпгина шогирдларга устозлик ҳам қилган. Аллома зеҳнининг ўткирлиги ҳамда қувваи-хофизаси кучлилиги хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисол ва ривоятлар келтирилади.

Муҳаддис бобокалонимиз Имом Исо Термизий замонидаги олимлар унинг ҳадис илмидаги хизматларини юқори баҳолаган. Улардан бири

Имом Термизийни “Ҳадис илмида иқтидо қилинадиган ягона олим” деб ёзса, бошқа бири эса уни “Биринчилардан бўлиб ҳадисларни саҳих, ҳасан, заифга тақсим қилганига гувоҳлик беради”. Айниқса, муҳаддис олимнинг асарларидаги равонлик фақат зиёли кишилар учун эмас, балки ҳар бир инсон тушуниши мумкин бўлишига сабаб эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дунё уламолари буюк илм соҳиби бўлган ҳамда юксак эътирофга муносиб кўрилган бобокалонимизнинг ибратли ҳаёт йўллари ва бой маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш биз ёшлар учун ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, қарорга кўра, Тошкент шаҳрида “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда конференция доирасида Термиз шаҳрида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиши ҳам бу борада айна муддао бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, шундай етук муҳаддисларнинг авлоди бўлиш ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулиятни юклар экан, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, айниқса ёшларимиз уларга муносиб авлод, илм-маърифат нуруни таратувчи маёқ бўлишлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

Р. ОХУНЖОНОВ,
“Кўкалош” ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси

Жиноят ва жазо



Қадим-қадимда вафо ва садоқат, гўзаллик ва нафосат тимсоли саналиб келинган ўзбек аёли бугун ўзлигини янада кенгроқ намён қилиш имконига эга бўлди. Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ҳар жиҳатдан юксалди.

Уларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, турмуш шароитларини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Эътибор ва ғамхўрликка жавобан хотин-қизлар ҳам жа-

ГУЛ ЎРНИГА... КИШАН. НЕГА?

мият ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Асосий вазифаси оналик мартабасидан ортиб, илм-фан, маданият, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бугуннинг аёли шифокор, тадбиркор, ҳуқуқшунос, депутат...Бундай сифатга эга аёлларимиз жуда кўп. Бирок..

“Боласини сотган экан, қамашибди”, деган гапларни эшитиб қоламиз. Афсуски, кўнгилни хира қиладиган воқеалар тез-тез содир бўлаётганлиги бор гап. Аёллар ўртасида фирибгарлик, ўғирлик, одам савдоси ва ҳатто ўта оғир жиноятлар содир этилаётганлиги ҳаммамизни ташвишлантириши керак. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судида кўрилган иш ўз зурриёидан воз кечган аёл билан боғлиқ эди.

Судланувчи Оксана.К. (исм-фамилия ўзгартирилган) 7 ёшли қизини 3.500 АҚШ долларига

сотган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинган.

Суд судланувчи Оксана.К.га жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлиги ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди. Ўз фарзандини сотган аёл 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бугун ўз зурриёидан воз кечган аёл жазони ижро этиш муассасасида кун санаб, тонглар оттирмоқда. Эҳтимол, у қилган гуноҳини тушуниб етгандир. Она қамокда, болалар эса ўзгалар қарамоғида. Аслида аёллар қўлига гул тутиларди. Афсуски, Оксана.К. нинг қўлига эса кишан солинди.

Сурайёхон ХОЖАМКУЛОВА,
Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг судьяси.

Юртимизда кучли фуқаролик жамиятини қуриш, ногиронлар ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш йўлида кўп йиллик тажрибаси, юксак салоҳияти ҳамда давлатнинг айрича ғамхўрлигига таянган ҳолда дадил одимлаётган ЎзКОЖ тузилмалари ҳар жабҳада юксалиш манзилларига интилаётгани маълум. Бу борада Президентимизнинг 2024 йил 26 августда имзоланган “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Зеро, бугун ННТлар орасида шаклланган кучли рақобат муҳитида жамият ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий фаолият қамровини кенгайтириши давр талабидир. Бунинг учун ўтган даврда бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш, муносиб баҳолаш, келгуси вазифаларни белгилаш ҳамда уларни амалга оширишга масъул органларга салоҳиятли кадрларни жалб этиш муҳим саналади.

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқарувининг VI Пленуми қарори асосида тузилган иш режасига мувофиқ жорий йилнинг апрель-июнь ойларида ўтган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциялари юқоридаги мақсадларнинг амалдаги рўёби бўлди дейиш мумкин. Ушбу анжуманлар жамият Устави ҳамда МБ Раёсати томонидан тасдиқланган тегишли йўриқнома талабларига риоя қилган ҳолда очиклик, шаффофлик муҳитида уюштирилди. Ҳукумат топшириғига биноан маҳаллий ҳокимликлар ташкилий-молиявий кўмагида айна тadbирлар кўркам, қулай шароитларга эга биноларда ўтказилиб, иштирокчиларнинг турар жой, озик-овқат, транспорт харажатлари учун етарлича маблағ йўналтирилди.

Конференциялар ишига Республика ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, ННТлар миллий ассоциацияси ҳудудий бошқармалари вакиллари, турдош ташкилотлар ҳамда ОАВ ходимлари жалб қилиниб, улар иштирокида Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ижтимоий ҳимоя соҳасида янгича ёндашувларни қарор топтиришга бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди. Шунингдек, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент, Сурхондарё ҳудудларида жамият тарихида ўчмас из қолдирган инсонлар шарафига хотира кечалари уюштирилиб, уларнинг ибратли фаолияти, инсоний фазилатлари ёд этилди. Марҳум жамиятдошларимиз ҳақида Қуръон тиловат қилиниб, эҳсон дастурхони ёзилди. Шаҳодат комиссиялари маълумотида кўра, конференцияларда маҳаллий бўлинмалардан сайланган 839 делегатнинг 788 нафари иштирок этди. Биргина Фарғона вилоятида вакилларнинг тўлиқ таркибда қатнашиши кузатилди. Ҳисобот-сайлов жараёнига Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Андижон, Қорақалпоғистон ҳудудларида таълим, маданият ходим-

лари, ишлаб чиқариш илғорлари каби жамият аъзоларининг барча қатламларидан фаоллар қамраб олинди.

Анжуманлар кун тартибидаги 8 та масала доирасида делегатлар томонидан ҳудудий бўлимнинг сўнгги 5 йилликдаги ялпи фаолияти, жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тайёрланган ахборот ва лойиҳалар муҳокама қилиниб, келгуси муддат учун бошқарув органи, назорат-тафтиш комиссияси ҳамда навбатдаги Қурултой

делегатлигига сайлов амалга оширилди. ҲБлар миқёсида бажарилган оммавий-ташкилий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлар юзасидан тақдим этилган ҳисобот маърузаси ва НТКларнинг тегишли бўлим молиявий-хўжалик фаолияти бўйича тузилган текширув далолатномасида келтирилишича, ортда қолган даврда тизимда жамият аъзолари сафини кенгайтириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, спорт-соғломлаштириш тadbирларига кенг жалб қилиш, реабилитация воситалари билан таъминлаш борасида давлатнинг амалий эътиборини қаратиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Аммо кўзи ожизлар бандлик даражаси, корхоналарда иқтисодий кўрсаткичларни ошириш, уларнинг жамият ҳамда ногиронлар ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини юксалтириш масаласида сусткашликка йўл қўйилди. Маданий-маърифий тadbирлар салмоғи ортган бўлса-да, жойлардаги махсус маданият марказлари иш шароитларини яхшилаш, уларда мустаҳкам моддий-техник база яратиш келгусидаги долзарб вазифалар сирасига қиради.

Умумжамиятга интеграция бобида жамият ва унинг аъзолари фаолиятини ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам ёритиб бориш, кўриш имконияти чекланган шахсларга қаратилган моддий-маънавий рағбатни жамоатчиликка тарғиб қилиш, бунинг учун маданий ва спорт тadbирлари-

ни тизимдаги муассасалар биноларида ёпиқ тарзда эмас, балки оммавий томоша объектлари, истироҳат боғларида ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ташкилий ишларни замонавий босқичга кўтариш, бунда кенгаш ва раёсат йиғилишларига шунчаки ҳисобот учун эмас, балки самарадорлик нуқтаи назаридан ёндашиш, маҳаллий бўғинда ҳужжат юритиш, жамият аъзоларининг мурожаатлари билан ишлаш, давлат билан шерикликда реабилитациянинг барча йўналишларини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш зарур. Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон ҲБлари раисларининг ҳисоботларида ҳар бир соҳадаги натижалар илгариги давр кўрсаткичлари билан таққосланган ҳолда чиқарилган хулоса ва берилган тақлифлар асосида истикболдаги вазифалар белгилангани алоҳида эътирофга молик.

ҲБлар фаолиятини жамоатчилик асосида текширувчи назорат-тафтиш комиссиялари раиси ва аъзоларини саралашда ҳам юқоридаги

та сайланган номзодлар кўпчилигини ташкил этди. Делегатларнинг 67 нафари фахрийлар, 19 нафари аёллар, атиги 5 нафари ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Вакилларнинг 82 нафари кўриш бўйича I, 21 нафари II гуруҳ ногиронлари, 4 таси соғлом кишилардан иборат.

Бугунги кунда жамият тасарруфидаги ЎИЧКларни ривожлантириш, жамият аъзоларини иш билан таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. ЎзКОЖ МБ раисининг тақлифига кўра ҳамда ишлаб чиқариш ва тadbиркорликка доир йиллик иш режага биноан, жамият тасарруфидаги ҳудудий ва маҳаллий бўлимлар, корхона ҳамда ташкилотларда тadbиркорликни ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кўзи ожизларни иш билан таъминлаш мақсадида Хитой давлатининг Шанхай шаҳрида жойлашган Йирик ва кичик ишлаб чиқариш заводлари учун мўлжалланган техник ускуналар тайёрлайдиган AMC INDUSTRIAL DEVELOPMENT COMPANY LIMITED компанияси раҳбари Tang Jian жаноблари



ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУН ДИДЛАР

тамойилларга амал қилинди. Ҳар бири 5 кишидан иборат 14 та комиссия таркибига кирган 70 нафар номзоднинг 53 нафари ёки 75 фоизининг ушбу жамоатчилик вазифасини бажаришига илк бор ишонч билдирилди. Хусусан, Самарканд, Тошкент, Жиззах, Андижон, Хоразм ва Қорақалпоғистонда НТК таркиби тўлиқ янгидан шакллантирилди. Комиссия аъзоларининг 24 нафари аёллардан таркиб топган бўлиб, Тошкент шаҳри, Навоий, Наманган НТКларига фақат эркалар сайланганини кўриш мумкин. Номзодлар орасидан 10 та 30 ёшгача бўлган, 40 та олий маълумотли шахслар танлаб олингани жамият ишига ёш, билимли, салоҳиятли кадрлар кириб келаётганидан дарак беради. НТКлар таркибидан 34 тадан I ва II гуруҳ ногиронлари, 2 та соғлом кишилар ўрин олди. ЎзКОЖнинг навбатдаги XIX Қурултойига делегатлар сайлаш деярли барча йиғилишларда кизгин ва мurosасиз тарзда кечди. Бунда вакилларнинг жамиятда тутган мавқеи, бош анжуманда илк бор қатнашиши, юқори органларда иш олиб бориш салоҳияти инobatга олинди. Шунга кўра, 14 та ҳудуддан сайланган 107 та делегатнинг 50 нафари илк бор Қурултой иштирокчилари сафидан жой олди. Янги делегатларни йўллашда Бухоро, Жиззах, Хоразм, Фарғона ВБлари айрича ташаббус кўрсатган бўлса, Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қай-

ташрифи муносибати билан жамият корхоналари раҳбарлари ўзаро шартнома тузиб, қисман инвестиция ҳисобига Қўқон ва Андижон, Дизайн Принт ЎИЧКлари тез кунларда ҳамкорликни бошлашлари келишиб олинди.

Мамнуният билан шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти собитқадамлик билан давлатнинг ишончли ҳамкори сифатида ҳамқадам бўлмоғи муҳимдир. Зеро, бугунги кунда жамиятнинг маҳаллий бўлинмалари, ҳудудий бўлимлари ва Марказий Бошқаруви фаолиятининг давлат субсидия маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши ана шундай эътирофнинг акс садосидир. 198 та маҳаллий бўлинмаларда 2-3 та штат бирлиги ва 14 та ҳудудий бўлимларда 6-8 штат бирликлари тасдиқланиб, улар ҳам субсидия ҳисобидан ойлик маош учун маблағ ажратилди.

ЎзКОЖ тизимида кўзи ожизлар ёки ногиронлиги бўлган шахслар билан тенг равишда соғлом кишилар ҳам биргаликда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш баробарида кўзи ожиз ногиронларга ҳам фаолият давомида ҳам ҳаёт тарзида доимо кўмакчи бўлиб келишмоқда. Зотан, ногиронлиги бор шахсларни, кўзи ожиз инсонларни доимий ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Эргаш НОРПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти
Марказий Бошқаруви раиси

“Ўзиндан катталарга салом бер, устозларинга гап қайтарма, ҳар жойга чиқинди ташлама, автобусга чиққанда катталарга жой бер, ўртоқларинг билан жанжаллашма, дарсингни вақтида тайёрла...” ва ҳоказо. Уйда ёши катталар бу гапларни болалигимиздан қулоғимизга қуйишган. Аммо ҳамма давринг катталарга қулоқ соладиган мўмин-қобил, одобли ёшлари билан бирга “қулоқсиз”, “бузгунчи” ёшлари ҳам бўлади. Хўш, бу одатлар ёшларда қандай шаклланади?

Келинг, бу ҳақда фикр юритишни болалар тарбиясида ким ёки нима муҳимлигидан бошлаймиз.

Ёшларнинг тарбияси

НЕГА

БУЗИЛЯПТИ?

Тарбия оилдан бошланади

Боланинг тарбияси, дунёқараши оила муҳитида шаклланади. Мактабда, лицейда, техникумда, олий ўқув юртида болага асосан таълим берилади. Масалан, мактабда ўқитувчи 45 дақиқа давомида ўқувчиларни йўқлама қилади, ўтилган мавзунини сўраб баҳолайди, янги дарсни тушунтириб, уйга вазифа беради. Бу жараёнда ўқитувчи тарбия ҳақида 5 дақиқа ё тўхталди ёки йўқ. Профессор ва олий таълимда бу ҳақда гапирмас ҳам бўлади. Шу боис, бу даргоҳларда бериладиган тарбия ва маҳалла аҳлидан олинадиган ибрат оилада берилган тарбияга фақат қўшимча бўлиши мумкин.

– 30 йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига дарс бераман, – дейди ургутлик фахрий ўқитувчи Муродилла Эшонкулов. – Болалар мактабга “суяги қотган” ҳолда келади. Чунки дастлабки тарбия оилада бериб бўлинади. Дарс вақтида, ўқувчиларнинг юриш-туриши ва ўзини тутиш жараёнларида эса ким қандай тарбия кўргани ойдинлашиб қолади. Ростини, ҳозир фарзандининг келажаги ҳақида қайғурадиган ота-оналар камайиб бормоқда. Жумладан, мактабда ўтказиладиган ота-оналар йиғилишларида аксарият ҳолларда ўқувчиларнинг қариндошлари келади ва ота-онаси ишдалиги айтилади. Фарзандининг келажаги учун қайғурмаган, унга вақт ажратмаган ота-она келгусида ундан пуч орзуларни кутади, холос. Аксинча, қайсидир ота-она оиласида яхши амаллари билан фарзандига ўрнак бўлса, уни ҳам шунга ўргатса, келажакда албатта роҳатини кўради ва бу таълимда ҳам бўй кўрсатади.

Одам ва “маймун”

Бугунги кунда турли гаджет ва

мобил алоқа воситалари ёшларга иккинчи тарбиячи вазифасини бажармоқда. Бунга эса ота-оналарнинг ўзи сабабчи бўляпти. Ҳозир икки ёшга тўлмаган бола ҳам телефон нималигини, қандай вазифа бажаришини билади. Чунки уйда ёши катталар телефон ишлатишни болаларга ўргатган ва ўша жараёндаги ҳаракатларни ўзлаштирган. Табиийки, ёш бола кўрган нарсасини бажаришга уринади. Бундай вазиятда кўпчилик ота-оналар боласидан хурсанд бўлиб, болага телефондан фойдаланишга кўпроқ имконият яратиб бермоқда, йиғласа ҳам телефондаги қизиқарли нарсалар билан овуляпти. Оқибатда XXI аср боласи мобил қурилмаларга ўрганиб қолмоқда. Қарабсизки, бу одатлар шаклланиб, болалар мактаб ёшига етгунга қадар виртуал олам ва унинг имкониятларидан фойдаланишни ўрганиб олмоқда.

Айниқса, кейинги пайтда оммалашиб бораётган тотализатор ўйинлар, турли кўнгилочар дастурлар муҳлиси ва иштирокчисига айланмоқда. Энг ёмони, мобил қурилмалар тарқатаётган радиация нурлари орқали турли касалликларга чалинапти, бузгунчи ғоялар таъсирга тушиб, дунёқараши ҳам ўзгарапти. 1930 йилда Уинтроп Келлог психологлар оиласи янги туғилган маймуннинг боласини ўзларини Доналд исмли фарзанди билан бирга тарбияламоқчи бўлишди. Мақсад, маймунни тарбиялаб, одам қилиш эди. Бироз вақт ўтиб, ёш оила маймундан воз кечади, сабаби, уларнинг фарзанди ўзини худди маймунлардек тута бошлаган эди.

Ҳозирги ахборот технологиялари асрида бундай қурилмалар ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб бўлган ва улардан воз кечиб бўлмайди. Лекин ҳар бир ота-она фарзандига бундай воситалардан фойдаланишни чеклаши, уларнинг тарбиясида ким ва нима таъсир кўрсатаётганини назоратга олиши ҳамда ҳар жаҳада фарзандига ўрнак бўлиши ке-

рак. Акс ҳолда бола “маймун”ларга ўхшаб қолиши ҳеч гап эмас.

Нуронийлар ҳаёти ибрат

Биласизми, фақат юртимизда бир болага ота-онасидан ташқари бобо-бувиси, қариндошлар, ҳатто кўни-кўшилар ҳам масъул экан. Яъни, ўрни келганда тарбияни улар ҳам бераверади. Чет элда эса мутлақо бунинг акси.

Эътибор берган бўлсангиз, аксарият ота-она ишда ёки уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлиб, фарзанд тарбиясига кам вақт ажратади ва болаларнинг тарбияси билан бобо-бувилари шугулланади. Эсимда, ёшлигимдан бобом ва бувимнинг эртақлари, ўғитларини эшитиб катта бўлганман. Ҳозир эса ота-онам фарзандимга ана шундай панд-насихатлар бераётганини кўраман.

Бизда аждодлар ва авлодлар ўртасидаги кўприк - бу миллий кадриятлар, анъаналардир. Буни ёшлар онгига сингдириш, ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни вояга етказишда нуронийларнинг ўрни бекиёс. Жамиятда ёши улуг инсонлар кўлида тарбия кўрган ҳар қандай боланинг дунёқараши кенг бўлади, Ватанни, оилани қадрга етади, урф-одат ва қадрларимизни ҳурмат қилади. Асосийси, ҳаётда ўз ўрнини тез топади.

Ота-она жанжалидан фарзанд азият чекмоқда

Кейинги вақтларда эр-хотин ўртасидаги ўзаро келишмовчилик очикчасига ўз фарзандларига зиён етказиш, ҳатто уларни ўлдиришгача бориш ҳолатлари билан тугамоқда. Бунинг жабрини эса бегуноҳ норасидалар тортяпти.

– Оилавий низолар ёки ота-оналарнинг фарзандига вақтида эътибор бермагани боис тарбиясида нуқсонлар кўп учрамоқда, – дейди психолог Сарвиноз Носирова. – Чунки кейинги пайтда психолог ва руҳшуносларга айнан шундай му-

рожаатлар кўп тушмоқда. Бундай вазиятда болаларда руҳий зўриқиш вужудга келяпти ва болалар ўз уйдан, ота-онасидан бешиб борапти. Оқибатда руҳий касалликларга чалиниш, алам устида кўнгилисиз ҳодисаларга қўл уриш кузатишмоқда.

Аксарият ҳолларда ёшларнинг ҳаёт қуришга тажрибасизлиги, яъни эрта турмуш ва уларни ҳаётга тайёрлашда камчиликларга йўл қўйилаётгани ана шундай кўнгилисизликларни келтириб чиқармоқда. Бунинг устига, оила қургач, бола тарбиясига етарлича эътибор берилмаяпти. Қизиқиши, истаклари қўллаб-қувватланмаяпти ва оқибатда бола умидсизликка тушиб, ўзига бўлган ишончи сўняпти. Бундай вазиятга тушиб қолган болалар асосан ижтимоий тармоқларда вақт ўтказиш орқали ўзини овулади, “ким”ларгадир ўхшашига, машхурликка ҳаракат қилади ёки дўстлари орасида энг зўри бўлишга интилади. Ҳамма нарсага осон эришишнинг йўллари излайди. Афсуски, бу йўл навихолларни турли оқимлар домига тортиб, хароб қилмоқда.

Яна бир тоифа ота-оналар борки, фарзандини ҳаддан зиёд эрка қилиб ўстиради, айтган нарсасини муҳайё қилади. Лекин уни назоратга олмайди ва бола келгусида кўнглига келган ишни қилади. Бу йўл ҳам ёшларни боши берк кўчага етказмайди.

Ёшларнинг тарбияси ҳақида гап кетганда, катталарнинг “Эҳе, бизнинг давримизда...” деб бошланадиган хотиралари “Ҳозирги ёшлар бузилиб кетгани” ҳақидаги афсус-надоматлар билан тугайди. Аслида эса “ёшларнинг бузилмаслиги” жамиятда катталар ўрнатган тартиб-қоидаларга қанчалик амал қилинаётгани билан белгиланади. Оилада бола соғлом фикр билан тарбияланса, доим назоратда бўлса, ёшлигидан меҳнат қилишга, мустақил яшашга ўргатилса, тарбияси бузилмайди.

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.



Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” гранти асосида тайёрланди.

ЖАҲОЛАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Жамиятнинг камоли ёки заволлини белгиловчи мезон нима? Инқирозга юз тутга бошласа, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолувчи куч борми? Ёки аксинча, инсонни, у мансуб бўлган жамиятни саодат соҳилидан фалокат уммони сари бошлаб, ҳалокат гирдобига ғарқ қилувчи синоат надир? Ундан нажот топиш имкони мавжудми?

Бу каби саволлар миллатидан, иркидан, диний мансублигидан қағъи назар, барча инсонлар ҳаётига бирдай дахлдор, ҳамма замонлар учун долзарбдир. Шунга кўра, аксар фикр эгаларининг бу борадаги қарашлари мутаносиб: биринчиси – маърифат, иккинчиси – жаҳолат. Хулосалар ҳам деярли уйғун: инсон фақат ва фақат маърифат орқалигина саодатга эришмоғи мумкин.

Бугунги глобаллашув шиддати, кадрятларни оч аждаҳо янглиғ қомига тортишга тайёр бозор иктисодиёти инсон ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларига таъсир этмай қолмапти. Жумладан, жаҳолат ҳам замонга мос тарзда қиёфасини ўзгартириб бораётир. Лекин унинг асл моҳияти ўзгаришсиз қолаётгани ҳам рост. Жадид боболаримиз ўтган аср аввалида жаҳолатнинг турли кўринишларига берган таъриф бугунгисига монанд экани ушбу фикрни тасдиқлайди. Мунаввар корининг: "...миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқариб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивохоналарга сарф этмакдадурлар" деган сўзларини ўқиганда, беихтиёр бугун китоб дўконларини ресторани кўнгилочар барларга айлантараётган баъзи бир "тадбиркор"лар, "пултопармон"лар ҳаёлга келади. Бундайлар, таассуфки, миллат болалари ўқиётган мактабга ёки жамият ҳаётининг ютуқларини ҳам, муаммоларини ҳам кўрсагиб бериши зарур бўлган матбуотга ёрдам беришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Лекин сохта обрў йўлида миллионларни сарфлар экан, заррача ачинмайди... Шундай ре-

сторанлардан бирига тарихимизда ўтган мунаввар зотлардан – авлиёлардан бирининг номи берилган. Бу ҳол жаҳолатга далил ахтариб узоққа бориш шарт эмаслиги исботидир, уялиш керак!

"Дунёда энг ҳазар қилинадурғон иллат жаҳолатдур, – деган экан Сукрот ҳаким. – Мен ҳатто кўрга ҳам жоҳилга ачинганимдек ачинмайман. Зеро, жоҳилнинг ўз ихтиёри билан қилган ҳаракати кўрнинг ихтиёрсиз ҳаракатидан-да хунукроқдир". Афлотуннинг жаҳолатга берган таърифи янада таъсирлироқ: "Жоҳилнинг яхши нияти фозилнинг хусуматидан-да зарарлироқдир. Инсон энг оғир юкумли касалликдан сақлангани каби жаҳолатдан ҳам ҳазар қилмоғи зарур".

Жоҳиллар қанчалик кам бўлса ва улар аксариятга таъсир этиш имконига эга бўлмаса – жамиятнинг бахти. Бунинг акси бўлса-чи? Мабодо жоҳил кимса арбоб даражасига эришса-чи?! Президентимизнинг ҳамда халқнинг ишончини суистеъмом қилаётган, нафси бад йўлида коррупция ва фирибгарлик ботқоғига ботган ҳоким ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва турли бўғиндаги раҳбар кадрларнинг жиноий ҳатти-ҳаракатлари, пора билан қўлга тушгани ҳақидаги хабарларни ўқиганда, ана шундай ҳавотирли ўйлар келади одамнинг ҳаёлига... Лекин шуниси аниқки, жоҳил гарчи маълум муддат бирон бир лавозимга, мукофотларга, яна аллақанча имтиёзларга эришмасин, кун ўтиб бир кун албатта элнинг назаридан қолади. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда: "Жоҳил моддий жиҳатдан қанча

бой ва сарватдор бўлса, маънавий жиҳатдан шунча фақир ва залил ҳисобланур. Зероки, жаҳолат энг кўркинч фақирлик ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мушибатдур. Ақл ила илмнинг яхшилиги ва фазилати қанча баланд бўлса, жаҳолатдан туғуладурғон ёмонликлар балолари шунча остин ва хорликдур".

Маърифатпарварларимиз шу каби фикрларни ёзар экан, шунчаки бир қоғоз қоралашни мақсад қилмаган. Шеър ёки ҳикоя ёзадими, роман ёки драмами, улар кўнгилларидаги Ватан ва Миллат қисмати билан боғлиқ дарду изтиробни, ҳасрату армонларни, келажак ҳақидаги орзу-ўйлари ифода этган. Жадидлар миллат ғамини ўз ғами деб билган. Унинг истикболи ёруғ бўлиши учун астойдил куйинган. Бу йўлда молини ҳам, жонини ҳам аямаган. Мақсадлари ягона бўлган: "миллатни жаҳолат гирдобидан қутқармоқ, чинакам маърифатга эриштирмоқ, тараққий этган миллатлар даражасига юксалтирмоқ. Афсуски, уларнинг бу ниятлари армонлигича қолиб кетди. Улар маърифат истагани учун истибод ва жаҳолат қурбони бўлди.

Бугун биз чинакам маърифий жамият қуришни мақсад қилганмиз. Жамият ҳаётида кечаётган ҳар қандай ислохотдан кўзланган бош мақсад – Ватан ва миллатнинг нурли истикболи, уни барпо этажак авлоднинг камоли. Бу хайрли мақсад фақат ва фақат юксак интеллектуал салоҳият, бошқача айтганда, ҳақиқий маърифат орқалигина амалга ошмоғи мумкин. Шундай экан, миллатнинг ҳар бир зиёлиси жамиятнинг маърифий даражасини юксалтиришда ўз улуши бўлишига интилоғи ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати –
Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-910
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли чоп
этилишига "Шарқ" нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Маълумот учун
телефонлар:
99-791-43-23
99-994-70-52
98-111-48-29
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
"ЖАМИЯТ"дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Юртимизда хотин - қизларга қатта
эътибор қаратилиб, уларга иззат-хурмат
кўрсатилмоқда. Ўз навбатида улар ҳам
жамият ҳаётининг турли жабҳаларида
фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Бироқ ҳаётда энгил-елпи ҳаёт кечириб,
ноқонуний даромад олиш мақсадида қинғир ишга қўл ураётганлар
орасида ҳам аёллар учраб турибди. Фирибгарлик билан боғлиқ
жиноятни содир этганликда айбланиб, судланган аёлнинг қисмати
ҳам ачинарли.

С.Ахмеджанова хавфли рецидивист. У 2023 йил 8 апрель куни З.Чалов ва бошқалар билан олдиндан тил бириктириб, алдаш ва ишончини суистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида режа тузган. Тошкент тумани, Келес шаҳарчасида Абдухабирова А. ни алдашган. Унинг ишончига кириб, унга тегишли бўлган баҳоси 11.000 АҚШ долларлик "Lacetti-Gentra" русумли автомобилани кейинчалик қайтариш мақсади бўлмасдан ўзаро оғзаки ижара шартномаси тузиб олиб, ишончнома расмийлаштиришга эришган. Ушбу автомобилани қўлга киритганидан сўнг, Андижон ва Фарғона вилоятида бўлган дастлабки тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахсларга сотиб юборган.

Бундан ташқари, С.Ахмеджанова ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавфли рецидивист ҳисобланган Д.Умарова, шунингдек,

З.Чалов, З.Тоджиев ва бошқалар билан олдиндан тил бириктирган. Такроран алдаш ва ишончини суистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 14 апрель куни Миробод туманида жойлашган "Royal cars" МЧЖда бўла туриб, Шамуродова Д.ни ҳам алдашган. Унинг бошқарувидаги жамиятга тегишли бўлган 15.000 АҚШ долларлик "Cobalt" русумли автомобилани кейинчалик қайтариш мақсади бўлмасдан ижара шартномаси тузиб олиб, ушбу автомобилани қўлга киритган. Уни ҳам нотаниш фуқараога пуллаган.

У жиноий шериклари билан 2023 йил 27 апрель куни Шайхонтоҳур туманида жойлашган "RENT A CAR PARK" МЧЖда бўла туриб, Рустамов Б. ни ҳам мулоимлик билан "эритган". Унинг бошқарувидаги жамиятга тегишли бўлган баҳоси 16.000 АҚШ "Lacetti-Gentra" русумли автомобилани

ни ҳам ижара шартномаси асосида олган. Сўнг номаълум шахсларга сотиб юборган.

С.Ахмеджанова "фаолиятини" давом эттириб, Олмазор тумани, Қорақамиш-2/1 даҳасида жойлашган "Олмазор" номли тўйхона ёнида яна бир фуқарони алдаган. Улар Абдухабирова А. га тегишли бўлган баҳоси 27.500 АҚШ долларлик тўқ "Malibu-2" русумли автомобилани кейинчалик қайтариш мақсади бўлмасдан ўзаро оғзаки ижара шартномаси тузиб олиб, ишончнома расмийлаштиришга эришган. Ушбу автомобилани ҳам сотиб юбориб, пулини тақсимлаб олишган.

Суднинг ҳукми билан аёллик шаънига доғ тушириб, фирибгарликни "қасб" қилган С. Ахмеджанова ва унинг шериклари ҳам қонуний жазога тортилди.

Сардорбек СОДИҚОВ,
Жиноят ишлари бўйича Миробод
туман судининг раиси.

ДОҒ



ҚАДРИ БАЛАНД ШАҲРИСАБЗ

Шаҳрисабз кўз ўнгимизда қадимий саройлар, гўзал табиат манзаралари жонланади. Улуғ аждодларимиз яшаб, улар эъзозлаган юрт – Шаҳрисабз юртдошларим қалбида чуқур из қолдирган маскандир. Бу ердаги ҳар бир тош, ҳар бир кўча, ҳавода бинафша ифори бор.

Бу юртнинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тоши қалбимизда катта из қолдиради. Амир Темурдек буюк саркарда ва давлат арбоби Шаҳрисабзда туғилиб, бу ерни ўзига қароргоҳ қилган. Унинг жасорати ва доно сиёсати туфайли Шаҳрисабз дунёнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Бу ерда Оқсарой, Кўк гумбаз каби обидалар қад ростлаган бўлиб, уларнинг ҳар бир гиштида аждодларимизнинг машаққатли меҳнати акс этган.

Шаҳрисабз ўзининг бой тарихи ва маданий мероси билан машҳур. Қадимги шаҳар деворлари, мадрасалар ва саройлар бу жойнинг улуғворлигини кўрсатади. Оқсарой, Дорул Сиёдат, Дорул Тиловат каби тарихий обидалар ўзининг меъморий услуби ва санъати билан ажралиб туради. Оқсарой деворларига битилган ҳикояларда буюк саркарда ҳаёти ва фаолияти ўз ифодасини топган. Бу обидалар нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун қимматли меросдир.

Амир Темур барпо этган улкан сарой – Оқсарой унинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи муҳим обидадир. Бу сарой деворларига нафис сурат ва ёзувлар, буюк саркарданинг жасорати ва сиёсати ҳақида ҳикоялар битилган. Оқсарой олдидаги катта майдон тарихда кўплаб муҳим воқеаларга гувоҳ бўлган ва бугун кўплаб тадбирлар, тантаналар ўтказилаётган маскан ҳисобланади. Шаҳрисабзнинг яна бир муҳим ёдгорлиги – Дорул Сиёдат (Сиёдат саройи) мажмуаси Амир Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай учун қурилган. Бу мажмуа Амир Темур томонидан қурдирилган бўлиб, унинг отаси-

нинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган. Темурийлар даврида Шаҳрисабз йирик сиёсий, маданий ва илмий марказга айланган. Шоҳрух Мирзо ва Улуғбек каби улуғ шахслар ҳам бу шаҳарда яшаб, илм-фан ва санъатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар.

Шаҳрисабз нафақат тарихий обидалари, балки табиий гўзаллиги билан ҳам эътиборни тортади. Баҳорда гуллайдиган чўллар, тоғу водийлар, бинафша ва лолалар бу ўлканинг ўзига хослигини орттиради. Бу ерда етиштирилган мевалари, уларнинг гўзаллиги, осойишталиги бу юртнинг файз-у кўркига кўрк қўшади.

Мустақиллик йилларида Шаҳрисабзда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар инфратузилмани ривожлантириш, туризм салоҳиятини юксалтириш билан боғлиқ. Шаҳар марказида барпо этилган янги замонавий бинолар, маданият ва санъат марказлари, турли спорт мажмуалари бу юрт нуфузини янада оширди.

Янги мактаблар, шифохоналар, маданият марказларининг барпо этилиши, айниқса, таълим ва соғ-

навбаотида, шаҳар иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Шаҳрисабз Ўзбекистоннинг энг ривожланган ва замонавий шаҳарларидан бири сифатида эътироф этилган. Шаҳрисабзнинг келажаги унинг бой тарихи ва маданий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан чамбарчас боғлиқ. Шаҳрисабзнинг тарихий обидалари ва гўзал табиати, маданий ва илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ватан, бу бизнинг орзуларимиз, умидларимиз ва келажагимиз. Барчамизнинг қалбимизда ватанпарварлик, фидойилик, садоқат туйғулари бор. Ватанимизни севиш, уни эъзозлаш, асраш муқаддас бурчимиздир. Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилиш, унинг тинчлиги ва фаровонлиги учун курашиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Бугунги меҳнатимиз, фидойилигимиз келажак авлодлар учун катта ибрат бўлади. Мустақиллик даврида эришган ютуқларимиз халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, меҳнатсеварлиги самарасидир. Юртимизнинг шонли тарихи, унинг буюк келажаги, халқимизнинг фидойилиги бизни ҳар куни янги марраларни забт этишга ундайди.

Шаҳрисабз – менинг юрагимдаги гўзал маскан. У ўзининг бой тарихи, маданий мероси ва табиий гўзаллиги билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун қадрли ва келажак авлодлар учун илҳом манбаи бўлиб қолади.

Диёра ҲОМИДОВА
Шаҳрисабз касб-хунар коллежи
1-босқич талабаси

Бугунги кунда Шаҳрисабз Ўзбекистоннинг энг ривожланган ва замонавий шаҳарларидан бири сифатида эътироф этилган. Шаҳрисабзнинг келажаги унинг бой тарихи ва маданий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан чамбарчас боғлиқ.

ларнинг таъми ўзига хос – анжир ва узум бутун Ўзбекистон бўйлаб машҳур. Шаҳрисабзнинг баҳорий тонгларида сайраган қушлари, мусаффо ҳаво қалбларимизни мусаффо туйғуларга тўлдиради. Баҳор келса, бутун шаҳар ям-яшил тус олади, гулзорлар очилиб, ҳавони ёқимли муҳитга тўлдиради. Шаҳрисабзнинг тоғлари, водий-

ликни сақлаш соҳаларида катта ўзгаришларга олиб келди. Бундай таъмирлаш ишлари натижа-сида шаҳрисабзликларнинг турмуш даражаси ошди, шаҳарнинг иқтисодий салоҳияти юксалди. Шаҳрисабзнинг сайёҳлик салоҳияти ҳам ошди – шаҳарга ҳар йили кўплаб маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташриф буюришади. Бу, ўз

